



ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ: ТАРИХ ВА ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК

Усмонов Восид Мухаммадиевич

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги
Юристар малакасини ошириш маркази
Хусусий-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси, PhD
usmonov.vosid@mail.ru +99899/821-33-40
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7055985>

ARTICLE INFO

Received: 01st September 2022

Accepted: 04th September 2022

Online: 07th September 2022

KEY WORDS

муаллифлик ҳуқуқи, оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, техник восита, БИМТ, халқаро шартнома, ҳуқуқий ҳимоя.

ABSTRACT

Мақолада оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқи объектларидан фойдаланишда уни муҳофазасини таъминлаш масалалари ҳақида сўз боради. Хусусан бу йўналишда оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни, ҳимоялаш усуллари ва техник талаблари ҳамда бу йўналишдаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш жараёнлари хусусида баён этилган. Шунингдек, мақолада бу йўналишдаги жаҳон тажрибаси, Ўзбекистон қонунчилиги нормалари ва амалиёти ҳақида баён этилган. Оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқи объектларини ҳимоя қилиш ва уни қўллаш билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилинган. Телекоммуникация тармоқлари ва интернетда нафақат оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқини таъминлаш, балки ушбу соҳани ривожлантириш, давлат хизматларини кўрсатиш, ундаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқи тушунчаси, объектлари ҳамда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Оммавий ахборот воситаларида (кейинги ўринларда – ОАВ) муаллифлик ҳуқуқи объектларидан фойдаланишни хавфсиз тизимини такомиллаштириш келажак авлодларнинг манфаатлари йўлида давлатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш имконини беради. Бугунги таҳликали

замонда оммавий ахборот воситаларини роли ва мақомини белгилаш долзарб аҳамият касб этади. ОАВ ходимлари ана шундай мураккаб даврда ўз қаҳрамонликларини кўрсатиб, бутун дунёда бўлаётган вазиятларни шаффоф, очик, тўғридан-тўғри етказишда мардонавор ҳаракат қилмоқда. Шундай экан оммавий ахборот воситалари ходимларини ҳимоя қилиш қилиш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини рўёбга чиқариш, қонуний вазифалари ва муаллифлик



хуқуқларини поймол қилмаслик давр талабидир.

Айниқса, бу пандемия вақтида қаттиқ билинди. Пандемия нима ва бунинг ОАВ қандай аҳамияти бор деган савол туғилади. Пандемия – бирон касалликнинг бир вақтнинг ўзида дунёнинг қатор давлатларида тарқалиши. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти раҳбарига кўра, коронавирус пандемияси эълон қилинган бўлса-да, қайси давлатларга бориш ҳақидаги маслаҳатлар ўзгармай қолмоқда. Жаноб Гебреисус дунёдаги барча давлатларни "тезкор ва кескин чоралар" кўришга чақирди. "Баъзи давлатлар вирусни жиловлаб, назорат қилиш мумкинлигини намойиш этдилар".

Унинг қайд этишича, кўплаб бошқа мамлакатлар ҳам энди шундай йўл тута оладими, деган масала қўйилмоқда. Яъни вирус тарқалиши занжирини узиш ёки одамлар орасида тарқалишини жиловлаш каби вазифалар ҳал этилиши муҳим. Дунё бўйлаб ҳукуматлар коронавирусга қарши курашар эканлар, бу жараёнда одамлар саломатлигини асраш, ҳаёт маромини иложи борича бузмаслик ва инсонлар кадр-қимматини ҳурмат қилиш каби вазифалар қаршисида турибдилар.

ОАВда муаллифлик ҳуқуқи объектларидан фойдаланиш тартиби қонун талаблари ва бошқа ҳужжатлар билан тартибга солиш масаласи кўндаланг турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Аччиқ ва танқидий материаллар жойлардаги кўплаб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчини ва ҳаловатини бузаётгани ҳам бор гап. Лекин ошкоралик ва сўз

эркинлиги бу – давр талаби, бу – Ўзбекистондаги ислохотларнинг талаби, деган эди".

"Радио" — лотинча сўз бўлиб, — "нур тарқатаман" деган маънони англатади. Радио 1895 йил рус олими А.С.Попов томонидан ихтиро қилинган. У ўзи кашф этган мослама орқали илк бор электромагнит тўлқин тебранишларининг симсиз масофага узатишни намойиш этди. Бу воқеа оламшумул аҳамиятга эга бўлиб, бир қатор техника фанларининг, жумладан, радиотехника ва радиотелевидениенинг ривожланишига асос бўлди. Кейинчалик А.С.Попов ясаган биринчи радиоприёмникнинг овозаси бутун жаҳонга ёйилди.

Ўзбекистонда мунтазам радиоэшиттиришлар 1927 йилнинг 11 февралидан бошланган. 1956 йилда Ўзбекистонда биринчи СССР ўша йили ташкил этилган Тошкент телестудияси томонидан ишга туширилди. 1964 йилда "Восток" дастурининг ретрансляцияси бошланди (Урал, Қозогистон ССР, Ўрта Осиё учун Марказий телевидениенинг 1-дастурининг икки баробари), ўша пайтдан бошлаб 1982 йилгача учта дастур бўйича телекўрсатувлар олиб борилди.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 4-моддаси «Оммавий ахборот воситалари» деб номланиб, унга кўра: Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет



жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган (бундан буён матнда чиқариладиган деб юритилади), қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир.

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ амалга оширади, деб кўрсатиб ўтилган.

ОАВ ҳақида сўз юритадиган бўлсак, фуқаролик ҳуқуқи нормалари орасида катта ўрин тутган муаллифлик ҳуқуқининг ўз тарихи бордир. Бизнинг аждодларимиз шу боис муаллифлик ҳуқуқига катта эътибор бериб келишган ва ундан тўлиқ фойдаланганлар. Олимлар ва муаллифлик ҳуқуқи масалалари билан шуғулланиб келаётган мутахассислар ўртасида муаллифлик ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиш босқичлари ҳақида турли қарашлар ва фикрлар мавжудлиги тарих айтиб турибди. Тарихий манбаларга суяниб айтиш мумкинки, муаллифлик ҳуқуқи ўзининг пайдо бўлиш даври ва тарихий ривожланишига босқичларига эгадир. Қадимда ҳар қандай асар хоҳ у оғзаки, хоҳ у ёзма бўлмасин, унга муқаддас неъмат сифатида қаралган ва унинг яратувчилари илоҳий туйғулар соҳиби сифатида қадрланган.

Муаллифлик ҳуқуқини пайдо бўлиши ва унга риоя этишда олимлар ўртасида ҳар хил қарашлар мавжуд. Айрим гуруҳ олимлар муаллифлик ҳуқуқи Европа мамлакатларида юзага келган ва

тараққий эттирилган десалар, бир гуруҳ олим, мутахассислар муаллифлик ҳуқуқи узоқ ўтмишга бориб тақалади ҳамда унинг пайдо бўлишида Шарқ мамлакатларининг алоҳида ўрни бор деб мулоҳаза қиладилар.

Китобнинг аввал қўлёзма, кейин босма китоб кўринишида вужудга келиши башарий маданият шаклланиши ва ривожланишининг муҳим белгиларидан биридир. Китобнинг яратилиши дунё тарихида моддий маданият қуроллари пайдо бўлишидан кам рол ўйнамаган. Қўлёзма китоб барча замонларда ва барча халқларда, айниқса, Ўрта Осиё халқларида алоҳида эътироф этилган. Буюртма бўйича ёки султонга ҳадя сифатида тайёрланган китоб ҳашаматли қилиб безатилган. Биринчи саҳифага миниатюра, рангли ва нақш чизилган, китоб эгасининг номи, гоҳ устанинг номи, тилаклари, асар, муаллифнинг номи битилган. Безакли қўлёзма бир қатор усталар-хаттот, наққош, музаҳҳиб (зарҳал берувчи), мусаввир ва саҳҳофнинг ҳамкорликдаги ижодий маҳсулидир. XIV-XV-асрларда қадимги Самарқанд, Ҳирот, Бухоро, Табриз, Шероз шаҳарларида жамоат ва хусусий кутубхоналарда XIII-XIV асрларда кўчирилган ноёб қўлёзмалар кўп бўлган. Темур ва темурийлар даврида хаттот, музаҳҳиб, наққош, мусаввир ҳамда саҳҳофларнинг юксак маҳорати безакли қўлёзманинг шу қадар гўзал намуналарини яратдики, улар ҳанузга қадар жаҳонни лол қолдириб келади.

Австриялик олим ва муаллифлик ҳуқуқи бўйича йирик амалиётчи-мутахассис Дилленц Вальтернинг қарашига кўра, у муаллифлик ҳуқуқини пайдо бўлишини Европада китоб чоп



этиш билан боғлаб кўрсатади: “Муаллифлик ҳуқуқининг шаклланиши XVI асрнинг бошларида типография ишининг ихтиро қилиниши билан боғлиқ. Матнларнинг нусха қилиб кўпайтириб, тарқатилишида кўлөзма муаллифи ўзининг асари устидан иқтисодий назоратни йўқотиб қўйди. Асарларнинг кўплаб миқдорда босмадан чиқариб юборилиши оммавий тус олди. Босма матн ва тасвирларнинг оммавий товар сифатида олиш-сотиш, айирбошлашда уларни ҳимоя қилиш зарурати туғилди. Шундан сўнг ноширлар давлат арбобларидан улар томонидан чиқарилган ноширлик маҳсулотларини қонунсиз қайта нашр қилишни олдини олишни сўрадилар”. ЮНЕСКОнинг китоб ва муаллифлик ҳуқуқи бўлими юристи, профессор Е.И.Герасимов нинг фикрича, муаллифлик ҳуқуқи қадим Шарқ мамлакатларида ноширлик иши билан шуғулланишдан келиб чиққан муносабатларда юзага келган. Хитой ва Кореяда қадим замонларда ёғоч ҳарфларнинг пайдо бўлиши китоблар яратилишига олиб келган. Лекин, бу усулдан металл ҳарфларга ўтилмасдан қолиб кетади. Немис мутахассиси И.Гуттенберг XV асрда ҳарф босишни ихтиро қилиши натижасида саноат усулида биринчи марта оммавий равишда китоблар чиқариши муаллифлик ҳуқуқининг келиб чиқишига асос бўлди. Китоб бозорда товар сифатида айирбошланиши, аҳолининг интеллектуал талабини қондиришга олиб келди. Дастлаб асар яратган муаллифнинг ҳуқуқи эмас балки китоб чиқараётган ноширнинг ҳуқуқи ҳимоя қилинди.

Умуман олганда, муаллифлик ҳуқуқи интеллектуал мулк маҳсулотлари яратилиши ва ундан фойдаланишда юзага келадиган муносабатларда пайдо бўлган. Муаллифлик ҳуқуқи масалалари ҳар қандай жамиятда ҳар хил қарашлар билан шарҳланган. Асосан, жамиятда ҳукмрон бўлган синф ўзининг эрки-иродасини шу муносабатларда ва ҳуқуқларда акс эттирган.

Бошқа давлатлардаги каби Ўзбекистон Республикасида ҳам муаллифлик ҳуқуқининг тарихи бор. Қадимда муаллифлар ҳисобланган шоирлар, рассомлар, ўймакорлар, дostonчилар ва бошқаларнинг шаъни, қадр-қиммати, улар яратган асарлар қадрият сифатида ҳимоя қилинган, муаллифлар эса рағбатлантирилганлар. Муаллифлик ҳуқуқи шарият нормалари асосида ҳимояланган бўлиб, яратилган асарларнинг дахлсизлиги таъминланган. Одат нормалари асосида ҳимояланган, аждодларимиз томонидан яратилган фан, адабиёт, санъат асарлари бизнинг кунларгача етиб келди ва умуминсоний қадриятларда хизмат қилмоқда.

Ҳар қандай давлат миллий қонунчилиги тизимини яратаётганда муаллифлик ҳуқуқига оид юқоридаги ҳуқуқий-сиёсий нормаларни қонунлари нормалари билан уйғунлаштирмоғи даркор.

Муаллифлик ҳуқуқининг Ўзбекистон ҳудудида расман қонунларда тан олинган даври бу 1917 йилда шўролар давлатининг ташкил топишига тўғри келади. Дастлаб муаллифлик ҳуқуқининг айрим объектларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлса, кейинчалик кодексларда муаллифлик ҳуқуқининг



барча қоидалари ўз аксини топа бошлаган. 1917 йил 29 декабрда “Давлат нашриёти тўғрисида” Декрет, 1918 йил 28 ноябрда Халқ Комиссарлари Советининг “Илмий, адабий, мусиқа ва бадий асарларни давлат мулки деб эътироф этиш тўғрисида” Декрет, 1919 йил 10 октябрдаги “Адабиёт ва санъат асарларини тўлиқ мулк деб тан олиш тўғрисидаги шартномалар бекор қилиш ҳақида” Декретлар қабул қилинган.

Амалда муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида 1958 йил 15 март куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган «Драматик ва мусиқа асарлари яратганлик учун муаллифлик ҳақлари тўғрисида»ги 150-сон қарори қабул қилинади.

1961 йил декабр ойидаги СССР Иттифоқи Фуқаролик қонунчилиги асосларининг қабул қилиниши умумиттифоқ қонунчилиги сифатида юзага келди. Бу қонунчилик Асослари 11 моддадан иборат бўлиб, муаллифлик ҳуқуқига оид муносабатларни тартибга солишни кўзда тутган эди. Ушбу Асосларга кўра Ўзбекистонда 1963 йил 23 март куни Ўзбекистон ССР Қонуни билан Фуқаролик кодекси тасдиқланди. Кодекс 1964 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилди. Кодекснинг тўртинчи бўлими муаллифлик ҳуқуқига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, яратилган асарлар фақат Ўзбекистон ҳудудида ҳимоя қилинади.

СССРнинг 1973 йил 27 май куни “Бутунжаҳон муаллифлик ҳуқуқи Конвенцияси” (Женева)га аъзо бўлиб кириши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси

нормаларига қатор ўзгартириш киритишга олиб келди. Конвенциянинг халқаро нормаларини миллий қонунчиликка яқинлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1974 йил 30 май Фармонида кўра, Ўзбекистон Республикасининг 1964 йилдаги Фуқаролик кодексининг 521-563-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Фуқаролик қонунчилиги асосларига ва Фуқаролик кодексида белгиланган нормаларни амалда ижросини таъминлаш мақсадида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонуности ҳужжатлари ҳам қабул қилинди. Булар жумласига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1971 йил 26 майдаги “Адабий-бадий асарлар яратганлик учун муаллифлик ҳақлари тўғрисида”ги 226-сонли қарори, СССР Давлат матбуот кўмитасининг 1973 йил 28 мартдаги 153-сонли буйруғи билан тасдиқланган “СССРда чоп этиладиган адабиёт, фан ва санъат асарларига муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя белгисини қўллаш тўғрисида”ги Йўриқнома, СССР Маданият министрлигининг 1973 йил 20 июл кунидаги “Муаллифлик ҳақлари ставкалари ва матбуотда бадий графика ишлари учун ҳақ миқдорлари ҳақида” 314-сонли Буйруғи, муаллифлик шартномалари тузишни янада кенгайтириш мақсадида СССР Министрлар Советининг Ноширлик, полиграфия ва китоб савдоси Давлат Кўмитасининг 1975 йил 24 март кунидаги “Муаллифлик намунавий шартномалари”ни тасдиқлаш тўғрисидаги 88-сонли Буйруғи, Ўзбекистон ССР Министрлар



Советининг 1979 йил 13 декабр кунисидаги “Адабиёт ва санъат асарларини оммавий ижро этганлик учун муаллифлик ҳақи миқдорлари тўғрисида”ги 832-сонли ва 1988 йил 16 ноябр 428-сонли қарорларини киритиш мумкин.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқи аввал қонунларда, кейинчалик қонуности ҳужжатларида ўз аксини топган. Шундай бўлса-да, муаллифлик ҳуқуқи мафқуралаштирилган, давлат манфаатларига бўйсундирилган ва доимо давлат назоратида бўлган. Муаллифлар эса давлат бюртмаларини яратишга жалб этилганлар. Аслида, муаллифлик ҳуқуқи нафақат фуқаролик ҳуқуқининг институти, балки бошқа ҳуқуқлар тизимида ҳам мавжуд бўлиши, ҳуқуқ тизимида тутган ўрни билан ҳам характерланади. Гарчанд муаллифлик ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи фани орқали ўрганилса ҳам ёки унинг ажралмас қисми ҳисоблансада, лекин у бошқа ҳуқуқ фанлари билан ҳам мустаҳкам алоқада. Масалан, муаллифлик ҳуқуқи «инсон ҳуқуқлари»нинг ажралмас бир қисми ҳисобланади.

1992 йил 8 декабр куниси қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Асосий Қонун сифатида муаллифлик ҳуқуқининг ҳам ҳуқуқий асосини белгилаб берди. Конституциянинг 29, 42-моддаларида фуқароларга бевосита муаллифлик ҳуқуқи, ижод эркинлиги, илмий-техникавий ютуқлардан фойдаланиш каби кафолатлар берилди. Конституция асосида янги Фуқаролик кодекси ва муаллифлик ҳуқуқига оид

муносабатларни тартибга солишга қаратилган ўнлаб қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида белгиланганидек ҳар бир инсоннинг ижод билан шуғулланиш ва муаллиф бўлиш ҳуқуқи кафолатланган. Конституция асосида қабул қилинган қонунларимиз муаллифларнинг ҳуқуқлари ва улар томонидан яратилган асарлар ҳимоясини таъминлашга қаратилган. Муаллифлик ҳуқуқи интеллектуал мулкка оид фаолият ва унинг маҳсулотларини, фан, адабиёт, санъат асарларини саҳнага қўйиш, ижро этиш, ёзиб олиш, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар ташкил этиш ва улардан ҳар қандай кўринишда фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солиди. Бу муносабатлар муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва мулкый ҳуқуқларига риоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя қилинишини тақозо қилади.

Муаллифлик ҳуқуқи тарихан жамиятнинг ўзгариши билан ривожланиб борди. Эски тоталитар тузум даврида қабул қилинган қонунлар кўп чекланишларга эга эди. Эндиликда шахснинг баркамол бўлиб етишувида, ҳуқуқий демократик давлатнинг пойдеворини яратишда мукамал қонунлар яратилмоқда. Бугунги кунда ҳуқуқнинг барча соҳалари қатори муаллифлик ҳуқуқининг қонуний асосларини такомиллаштириш давлатимизнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди

References:



1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://constitution.uz/>
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Иккинчи қисм. <https://lex.uz/docs/-180552>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни 2006 йил 20 июль, ЎРҚ-42-сон. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 260-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» Қонуни 2007 йил 15 январь, ЎРҚ-78-сон. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий ижрога мўлжалланган драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратганлиги учун муаллифлик ҳақини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори 2019 йил 8 май, 385-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2019 й., 09/19/385/3107-сон; 09.01.2021 й., 09/21/7/0005-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2022 йил 26 апрель, ПҚ-221-сон. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.04.2022 й., 07/22/221/0357-сон)
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини ягона базада сақлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. 2022 йил 22 август, 469-сон. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.08.2022 й., 09/22/469/0762-сон).
8. Юлдашов А., Чориев М. Договорно-правовые отношения в области авторского права и ответственности за нарушение авторского права: национальный и зарубежный опыт //Общество и инновации. – 2020. – Т. 1. – №. 1/с. – С. 511-522.
9. Юлдашов А. Интеллектуал мулк бўйича миллий стратегияларнинг аҳамияти ва бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг бу борада тутган ўрни //Юрист ахборотномаси. – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 53-59.
10. Юлдашов А. Географик кўрсаткич тушунчаси ва иқтисодий мустаҳкамлашда унинг тутган ўрни //Юрист ахборотномаси. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 249-257.
11. Yuldashov, A. A. “Government policies related to social protection of disabled persons in Uzbekistan: National and international aspects.” (2012): 186-191.
12. Abdugopirovich, Yuldashov Abdumumin. “Types Of Legal Protection Of A Trademark (Service Mark) In Foreign Countries: The Example Of The Madrid System.” Turkish Journal of Computer and Mathematics Education (TURCOMAT) 12.4 (2021): 1068-1073.
13. Abdumumin Yuldashov, Sreenivasulu N Shanmuka RAQAMLI MUHITDA MUALLIFLIK HUQUQI MUHOFAZASI // Central Asian Academic Journal of Scientific Research. 2022. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/raqamli-muhitda-mualliflik-huquqi-muhofazasi> (дата обращения: 04.09.2022).



14. Юлдашов Абдумумин Важные аспекты международной охраны авторского права и развитие договорно-правовой базы // Review of law sciences. 2020. № Спецвыпуск. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vazhnye-aspekty-mezhdunarodnoy-ohrany-avtorskogo-prava-i-razvitie-dogovorno-pravovoy-bazy> (дата обращения: 04.09.2022).
15. Абдумумин Юлдашов ЎЗБЕКИСТОНДА МУАЛЛИФЛИК ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛИШИНING ДОЛЗАРБЛИГИ // Review of law sciences. 2020. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-mualliflik-va-turdosh-u-u-larni-buzganlik-uchun-zhavobgarlik-kuchaytirilishining-dolzarbligi> (дата обращения: 04.09.2022).
16. Тўракулова Н., Юлдашов А. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришда халқаро шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти // Conferencea. – 2022. – С. 467-471.
17. Yuldashov, A., & Usmonov, V. (2022). Copyright Protection in Uzbekistan by The Collective Management Organizations. Miasto Przyszłości, 25, 185–188.
18. ЮЛДАШОВ А. А. НЕОБХОДИМОСТЬ УЧАСТИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В МЕЖДУНАРОДНЫХ РЕЙТИНГАХ И ИНДЕКСАХ В ОБЛАСТИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ // Электронный инновационный вестник. – 2021. – №. 1. – С. 18-20.